

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНОВА ШОҲСАНАМ ҒАЙБУЛЛОЕВНА

**ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА
ШАРҚ ВА ҒАРБ АНЪАНАЛАРИНИНГ БАДИИЙ СИНТЕЗИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Fil145 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Ахмедова Шоира Нематовна, филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Якубов Исламжон Ахмеджанович филология фанлари доктори Пардаева Зулфия Жўраевна филология фанлари доктори, профессор Мирзаева Зулхумор Иномовна филология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтини

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс:(8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____даги __ -рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор.

А.Б.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

А.Э.Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида янги бадиий тафаккурнинг юзага келиши сўз санъати оламида ёрқин из қолдирган етук асарларнинг адабий-поэтик хусусиятлари, воқеликнинг юзага келиш тамойилларини илғор усуллар асосида тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқармоқда. Бадиий адабиёт, хусусан романчилик бугунги глобаллашув жараёнида инсоният маданиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёш авлодни баркамол шахс этиб тарбиялашда аҳамиятли ўрин тутди. Янгича услуб ва ёндашувлар, адабий-эстетик тамойилларнинг изчил такомиллашуви натижасида бадиий тафаккурнинг тадрижий ривож билан боғлиқ илмий концепциялар адабиётшунослик соҳалари тараққиётини таъминлашнинг муҳим омилларидан саналадики, романчилик муаммоларига бағишланган тадқиқотларнинг илмий ҳамда амалий хулосаларига асосланиш заруриятини юзага келтиради.

Жаҳон адабиётшунослигида романчилик тараққиётига фольклорга хос хусусиятларнинг таъсири, тарихий-маданий анъаналарнинг изчил давом эттирилиши, тасвирадаги шаклий-услубий ўзига хосликлар – синтезлашиш ҳодисасини тадқиқ этиш муҳим эстетик тамойилга айланиб бормоқда. Давр романларининг такомил хусусиятлари ва синтезлашиш билан боғлиқ масалаларнинг назарий аспектда тадқиқ этилиши долзарб муаммолар сирасига киради. Адабий-бадиий анъаналар ва жаҳон сўз санъатининг илғор изланишларини ўзида уйғунлаштирган ўзбек романлари миллий руҳни поэтик талқин этишда янгилашиш босқичини бошдан кечирди. Истиқлол даври ўзбек романларидаги услубий янгилашишларнинг юзага келишига муҳим омил бўлган манбалар, Шарқ ва Ғарб адабиёти таъсирини ўрганиш асосида илмий-назарий хулосаларга келиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик даврида миллий адабиётимиз, хусусан, романчиликда намоён бўлган ўзгаришлар, жанрнинг шаклий-мазмуний такомилида халқ оғзаки ижоди, Шарқ мумтоз адабиёти, ўзбек романчилик мактаби ҳамда жаҳон романчилиги поэтик тажрибаларидан ижодий фойдаланиш йўсинларини холис ўрганиш, юксак бадиият мезонлари асосида текширишга кенг йўл очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳақли таъкидлаганидек: “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”¹ лиги истиқлол даври ўзбек романлари ривожланиш қонуниятлари, етакчи хусусиятлари, жанр структурасидаги ўзгаришларда Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари таъсирини илмий асослашни адабиётшунослик илми олдида турган муҳим вазифалардан бири қилиб қўйди.

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир. // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Романнинг жанрий хусусиятлари, назарияси, тарихи, шунингдек, адабиётда анъана ва новаторлик доирасидаги илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий муассасалари, жумладан, Universität Humboldt, Universität Bonn (Germany), Cambridge University (Great Britain), Bilkent Üniversitesi (Туркия), Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Nizami adına Ədəbiyyat İnstitutu, Bakı Dövlət Universiteti, Bakı Slavyan Universiteti (Озарбайжон), Київський національний університет (Украина), Москва давлат университети (Россия), University of California, University of Indiana, University of Michigan, University of Texas (АҚШ), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да ушбу масалалар моҳиятини ўрганиш борасида тадқиқотлар яратилган.

Истиқлол даври ўзбек романларида Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари доирасидаги дунё адабиётшунослигида олиб борилган тадқиқотлар натижа-сида, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: роман жанрининг назарий-эстетик муаммолари, ривожланиш босқичлари, бадий макон ва замон масаласи тадқиқ этилган (Universität Humboldt, Universität Bonn, University of California), адабиётда Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари, мумтоз адабий асарларга, адабий-тарихий анъаналарга хос бадий-эстетик кашфиёт-ларга издошлик аниқланган (Bilkent Üniversitesi, Туркия); романнинг жанрий

¹ www.humboldt.edu; www.uni-bonn.de; www.cambridge.org; www.thesis.bilkent.edu.tr; www.literature.az; www.bsu.edu.az; <https://bsu-uni.edu.az/>; www.univ.kiev.ua; www.msu.ru; www.dissercat.com; <http://dergiler.ankara.edu.tr>; www.tekedergisi.com; <https://www.universityofcalifornia.edu>; www.indiana.edu; www.michigan.uni.edu; www.texas.edu; www.navoiy-uni.uz

табиати, сюжети, композицияси, ижтимоий воқелик тасвири ўрганилган (Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Nizami adına Ədəbiyyat İnstitutu, Озарбайжон); романнинг типологик принциплари, шаклий-мазмуний янгила-ниши, романда модернистик изланишлар илмий асосланган (Bakı Dövlət Universiteti, Озарбайжон); жаҳон романчилиги тараққиёти, поэтикаси ишлаб чиқилган (Bakı Slavyan Universiteti, Озарбайжон); жаҳон романчилиги анъаналарининг давом эттирилиши аниқланган (Київський національний університет, Украина); ижодкор ижодий индивидуаллиги ҳамда унинг сўз санъати хазинасига қўшган улуши юзасидан илмий хулосалар чиқарилган, ижодкор услуги, эпик анъаналар, романда адабий таъсир, анъана ва ўзига хослик масалалари, адабий-бадий синтез муаммолари илмий асосланган (Москва давлат университети, Москва); ўзбек романнавислари ижоди ижтимоий-ғоявий, бадий-эстетик хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганилган (University of Indiana, University of Michigan, University of Texas); романнинг жанрий хусусиятлари, поэтикаси илмий асосланган, романда қахрамон ва миллий колорит ифодаси ишлаб чиқилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон).

Жаҳон адабиётшунослигида роман жанрининг табиати, анъана ва новаторлик, Шарқ ва Ғарб анъаналари синтези бўйича, жумладан, қуйидаги: роман жанрининг назарий-эстетик хусусиятлари, тарихий ривожланиш босқичларига оид адабиётшуносликда мавжуд қарашларни такомиллаш-тириш, роман поэтикасига хос жиҳатларни ёритиб бериш, жанр тараққиётини адабий анъаналар ва ижодий индивидуаллик доирасида ўрганиш, замонавий роман табиатида кузатилган шаклий-услубий янгилашниларни баҳолаш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Роман тарихий-бадий тадрижи масаласида жуда кўплаб тадқиқотлар яратилган. Ушбу мавзу моҳиятига яқин бўлган муҳокамалар Гегель, М.М.Бахтин, М.Б.Храпченко, В.Жирмунский, В.Г.Белинский, Л.И.Тимофеев, Б.В.Томашевский, Е.М.Мелетинский, Г.Н.Поспелов сингари чет эл олимларининг қарашларида акс этган. Шунингдек, тадқиқот мавзуси йўналиши доирасида И.Султон, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, С.Мирвалиев, Н.Каримов, Б.Назаров, С.Мирзаев, У.Норматов, Н.Худойбергенов, Ҳ.Умуров, Й.Солижонов, Д.Қуронон каби адабиётшунослар ишлари характерлидир.

Ўзбек романчилиги тараққиёти, романнависларнинг бадий маҳорат қирралари тадқиқига бағишланган кўплаб диссертацион тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, А.Раҳимов, Д.Тўраев, З.Пардаева, Ш.Дониёрова, И.Ёқубов, Ғ.Муродов, А.Носиров, С.Тўлаганова каби олимларнинг докторлик¹,

¹ Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: сюжет ва конфликт: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. - Тошкент, 1993. - 52 б.; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80 й): Филол. фан. д-ри... дисс. - Тошкент, 1994.- 313 б.; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фан. д-ри... дисс. - Тошкент, 2003.- 295 б.; Дониёрова Ш. Истиклол даври ўзбек романларида миллий рух ва қахрамон муаммоси: Филол. фан. д-ри... дисс. - Тошкент, 2012. - 257 б.; Яқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси: Филол. фан. д-ри (DSc) дисс. автореф. - Тошкент, 2018. - 71 б.; Муродов Ғ. Тарихий романнинг муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги муаммолари: Филол.

А.Холмуродов, И.Самандаров, У.Мусаева, А.Носиров, А.Қахрамонов, Ш.Исаева, Х.Ҳамроқулова, Ш.Туйчиева, Г.Юнусова, М.Пирназарова, Г.Авезова, Ш.Ботирова, Х.Тулибаев¹ кабиларнинг номзодлик тадқиқотлари шулар сирасидандир.

Бадий синтез ва адабий анъана масалаларига муносабат Б.И.Ярхо, О.У.Майорова, М.А.Чернищев, О.Г.Штыгашева, Л.А.Андреев, З.Фейзуллаева² каби чет эл олимлари; Б.Саримсоқов, Ш.Дониёрова, С.Қуроноф, Г.Имомова³ каби ўзбек адабиётшуносларининг ишларида кузатилади.

Юқоридаги манбаларда адабий анъана, бадий синтез, роман жанри табиати, мустақиллик даври насри, романчилиги масалалари ўрганилган бўлса-да, истиқлол даври романларида Шарқ ва Ғарб анъаналари бадий синтезининг давр романлари поэтикаси, тараққиётга таъсири муаммоси нисбатан кам тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган муассаса илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг “Янги ўзбек адабиёти: тараққиёт тамойиллари, ёзувчининг

фан. д-ри (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 80 б.; Носиров А. Одил Ёқубов романлари поэтикаси: – Тошкент, Филол. фан. д-ри (DSc) дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 70 б.; Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабий қахрамон муаммоси: Филол. фан. д-ри (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 70 б.

¹ Холмуродов А. Одил Ёқубов романларида психологизм: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1991. – 153 б.; Самандаров И. Ўзбек тарихий романларида тарихийлик: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1992. – 145 б.; Мусаева У. Худойберди Тўхтабоев романларининг сюжет ва конфликт хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1997. – 145 б.; Носиров А. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадий талқини (“Юлдузли тунлар” романи мисолида): Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1999. – 127 б.; Қахрамонов А. “Меҳробдан чаён” романи поэтикаси: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2000. – 153 б.; Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2001. – 128 б.; Ҳамроқулова Х. Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романида шахс фожеаси талқини: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2004. – 131.; Туйчиева Ш. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида ижодкор дунёкараши ва бадий услуб муаммолари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2006. – 145 б.; Юнусова Г. Ҳозирги ўзбек романларида Амир Темур ва темурийлар образининг бадий талқини: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2005. – 162 б.; Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (Омон Мухтор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улуғбек Хамдам, Тўхтамурод Рустам романлари мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б.; Авезова Г. Роман композициясининг бадий яхлитликда туган ўрни: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.; Ботирова Ш. Ҳозирги ўзбек романларида бадий психологизм: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри... (PhD) дисс. автореф. – Қарши, 2018. – 58 б.; Тулибаев Х. Ҳозирги ўзбек романчилигида бадий услуб ва жанрий-композицион яхлитлик синтези: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри... (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 53 б.

² Ярхо Б.И. Методология точного литературоведения. Избранные труды по теории литературы. – Москва: Языки славянских культур, 2006. – 927 с.; Майорова О.У. Литературная традиция в творчестве писателя (на материале произведений Н.С. Лескова): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1985.; Чернищев М.А. Идея художественного синтеза в литературных произведениях и теоретических трудах художников русского авангарда первой трети XX века: В.В. Кандинский, П.Н. Филонов, К.С. Малевич: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Магнитогорск, 2002.; Штыгашева О.Г. Художественный синтез в романе Андрея Белого «Петербург»: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Якутск, 2008.; Андреев Л.Г. Чем же закончилась история второго тысячелетия? (Художественный синтез и постмодернизм) / Зарубежная литература второго тысячелетия, 1000-2000: Учеб. Пособие. – Москва, Высшая школа, 2001. – 335 с.; Фейзуллаева З.М. Традиции восточной литературы в современной поэзии народов Южного Дагестана: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Махачкала, 2009.

³ Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – 128 б.; Дониёрова Ш. Миллий руҳ ва жаҳон романчилиги анъаналари // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2009. – № 1. – Б. 132-135; Қуроноф С. Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси (шеърят ва рангасвир санъатлари мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри... (PhD) дисс.автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 50; Имомова Г. Миллий ва умуминсоний характерлар синтези // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2005. – № 8. – Б. 168-170; Имомова Г. Анъаналар сатҳидаги бадий синтез // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2010. – № 5. – Б. 160-164.

ижодий индивидуаллиги ва маҳорат” масалаларини тадқиқ этиш йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Истиклол даври ўзбек романларида Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарининг бадиий синтези масаласини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилди:

истиклол даври ўзбек романчилигида Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтезининг юзага келиш омиллари масаласини ёритиш;

замонавий ўзбек романчилигида фольклоризм муаммосини ўрганиш;

ўзбек мумтоз адабиёти асарлари, улуғ шоирлар ижодий меросидан озиқланиш ўзбек романчилиги тараққиётига таъсир кўрсатган асосий омиллардан бири эканлигини кўрсатиб бериш;

миллий романчилик тараққиёти тажрибаларини қиёсий таҳлиллар асосида ёритиш;

истиклол даври романчилигида мифопоэтик тафаккур уйғунлиги масаласини таҳлил қилиш;

замонавий ўзбек романларида образ яратиш, тасвирий ифода ҳамда рамзийлик масаласини Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтези доирасида тадқиқ этиш;

дунё адабиёти бадиий тафаккуридаги сифат ўзгаришларининг миллий романий тафаккур ривожига кўрсатган таъсирини очиб бериш;

жаҳон адабиётида у ёки бу кўринишларда амалда бўлган ижодий оқим ва йўналишларга хос хусусиятларнинг намоён бўлиши, Ғарб модерн адабиёти анъаналарини ўрганиш, уларга эргашиш жараёнлари романчиликда адабий тамойилларнинг хилма-хиллиги ва кенгайишига таъсир кўрсатганлигини далиллаш;

Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарининг бадиий синтези янги давр ўзбек адабиётида ёзувчилар лабораториясида сайқалланган ҳамда адабий жараён ривожига хизмат қилган аҳамиятга молик эстетик ҳодиса эканлигини асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида О.Мухторнинг “Ффу”, “Афлотун”, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, Н.Эшонкулнинг “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви”, И.Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод”, У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар”, А.Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” каби романлари танланди. Таҳлил давомида ишнинг илмий концепциясига мувофиқ истиклол даврида яратилган бошқа романлар ҳамда жаҳон романчилиги материалларига ҳам таянилди.

Тадқиқот предметини истиклол даврида яратилган ўзбек романларида анъана ва бадиий синтезнинг жанр поэтикасидаги янгича тафаккур тарзи, ифода йўсинлари, услубий ўзига хос хусусиятларнинг юзага чиқарилишини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда аналитик таҳлил, қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, герменевтик, психологик, социологик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

поэтик тафаккурдаги ўзгаришлар ва Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтези натижасида истиқлол даври ўзбек романчилигининг яхлит эстетик ходиса сифатидаги янгилашиш хусусиятлари асосланган;

Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарининг синтези атамаси билан тавсифланадиган ҳодисанинг моҳияти адабий жараён ва яхлит тизимли концепция асосида очиқ берилган;

истиқлол даври ўзбек романчилигида Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтезининг юзага келишида ижтимоий-тарихий, маънавий-маданий, индивидуал-руҳий омиллар таъсири аниқланган;

ўзбек романлари жанрий табиатидаги шаклий-услубий янгилашиш, поэтик кўлам, ижтимоий-фалсафий, маънавий-эстетик қарашлар тизимининг кенгайиши халқ оғзаки ижоди, адабий-тарихий ҳамда жаҳон адабиёти анъаналарининг замонавий миллий бадиий тафаккур билан уйғунлашуви ва бадиий қаҳрамонда акс этиши асосланган;

истиқлол даври ўзбек романчилиги мифопоэтик тафаккур, фольклор, мумтоз адабий анъаналар, замонавий реалистик романчилик тажрибалари, модернистик услублар, адабий оқимларга хос хусусиятлар, илмий-фалсафий ва бадиий қонуниятлар, адабий таъсир ва ижодий индивидуаллик синтези натижаси эканлиги далилланган;

жаҳон ва ўзбек адабиёти учун типологик ходисалар, ижодий изланишлар, давр романчилигидаги бадиий-эстетик концептуаллик ижодкорлар маҳорати билан узвий боғлиқлик натижаси сифатида юзага келган яхлит тизим эканлиги исботланган;

романларда Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтези таъсирида юзага келган фалсафий мушоҳаданинг теранлашуви, руҳият тасвирига эътиборнинг ортиши, интеллектуал романга хос хусусиятларнинг намоён бўлиши, ифодада рамзийликнинг кучайганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Истиқлол даври романчилигида адабий анъаналар синтезини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, ҳозирги адабий жараён, адабиёт назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик, қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

Истиқлол даври ўзбек романларида Шарқ ва Ғарб маънавий-ахлоқий, адабий-фалсафий, ижтимоий-эстетик тафаккури инъикосининг бадиий талқини ёритилган;

романларда халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабий анъаналар, ўзбек романчилиги тараққиёти тажрибаларининг ижодий ўзлаштирилиши жараёни кечганлиги исботланган;

миллий романчилик такомиллида чет мамлакатлар адабиётида қайсидир даражада амалда бўлган оқим ва йўналишларнинг таъсири аниқланган;

ўзбек романларида миллий адабий анъаналар ва жаҳон адабиёти янгилашишларининг бадиий синтезлашуви, адабий жараён қонуниятлари,

романчиликда етакчи тасвир усулига айланган адабий-эстетик тамойиллар кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олингани, қўлланилган усуллар ҳамда юзага чиқарилган фикр ва қарашларнинг аналитик, қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, психологик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти истиқлол даври ўзбек романларида Шарқ ва Ғарб анъаналарининг бадиий синтези, бадиий-эстетик хусусиятлари нуқтаи назаридан биринчи марта монографик йўсинда махсус тадқиқ қилиниб, илмий-назарий умумлашма ва хулосаларга келинганлиги билан белгиланади. Бу умумлашмаларнинг назарий аҳамияти шундаки, улар ўзбек адабиётида истиқлол даври миллий романчилиги, адабий жараён қонуниятлари доирасида олиб борилган тадқиқотлар сирасини тўлдиради ва кенгайтиради. Тадқиқот натижалари, ундаги таҳлил усули жиҳатидан илмий тадқиқотлар ва монографиялар яратишда зарур манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материалларидан олий ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмалар яратиш, битирув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларини ёзиш, замондош ёзувчилар ижодига хос адабий синтез билан боғлиқ характерли хусусиятларни аниқлаш ва ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Истиқлол даври ўзбек романларида Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарининг синтези муаммосини миллий ва жаҳон бадиий тафаккури контекстида типологик тадқиқ этиш, адабиётшунослик назарияси тарихий-бадиий, илмий назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

Мустақиллик даври ўзбек романчилигининг озикланиш манбалари, фольклор анъаналарига оид хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919 – “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” (2012-2016) мавзуидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июндаги 89-03-2487-сон маълумотномаси). Натижада, интеллектуал романларда мифларнинг ўрнини белгилаш, мифологиядан фойдаланишнинг ўзбек романчилигидаги янгича тамойилларнинг тараққиётига таъсири тўғрисидаги хулосалар чиқаришда асос бўлган;

романчиликда адабий анъаналарга издошликнинг аҳамиятини ёритишга оид тавсиядан ОТ-ФЗ-090 рақамли “Жадид адабиёти – жаҳон илғор адабиётининг синтези сифатида” (2007-2011) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июндаги 89-03-2487-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш туфайли жадид адабиёти намояндаларининг бадиий ижод жараёнига олиб кирган янгиликлари, адабий тажрибаларининг бугунги ўзбек романчилиги поэтик такомиллидаги ўрни ҳақидаги хулосалар билан бойитилган;

адабий жараён такомилли билан боғлиқ қарашлардан истиқлол даври ўзбек романчилигига хос хусусиятларни ёритишда Ф-1-06 рақамли “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” (2012–2016) мавзусидаги фундаментал грант лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июндаги 89-03-2487-сон маълумотномаси). Натижада, Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарининг бадиий синтези асосида истиқлол даври ўзбек романчилигидаги шаклий-услубий янгиланишлар, роман жанри табиатида юз берган синтез кўринишларини аниқлаш имкониятини берган;

истиқлол даври ўзбек романларида фольклор, мумтоз, жаҳон ва модерн адабиётга хос хусусиятларнинг синтезлашиш ҳолатлари, адабий-тарихий анъаналарга издошликнинг ўрни, романчилик мактаби тажрибаларини ижодий ўзлаштириш масаласига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида бажарилган Ф1-ФА-055746 рақамли “Марказий Осиё халқлари кўлөзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини илмий тавсифи ва нашр қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2012–2017) фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 октябрдаги 89-03-3876-сон маълумотномаси). Давр романлари қиёсий аспектда ўрганилиб, улардаги шаклий-услубий янгиланишлар, поэтик кашфиётларнинг юзага келиш омилларини ёритишда фойдаланилганлиги натижасида мавжуд анъаналарнинг муҳим ўрин тутганлиги тўғрисида хулосаларга эга бўлинган;

истиқлол даври ўзбек романчилигидаги поэтик ўзгаришлар, ўзига хос жиҳатлар, бадиий матн композициясида миллий колоритнинг сақланишига доир илмий-назарий хулосалардан ХТ-Ф-2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2008–2010) фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 октябрдаги 89-03-3876-сон маълумотномаси). Халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга таъсири, Шарқ ва Ғарб анъаналари синтезининг юзага келиш омиллари, давр романчилигида фольклор таъсирида юзага келган янгича тамойиллар, фольклоризмнинг ўрни, мифопоэтик тафаккурнинг акс этиши муаммоси каби материаллар ҳақидаги билимларнинг янги маълумотлар билан бойитилишига эришилган;

ўзбек романчилиги ривожига туркий халқлар ижтимоий ва этник келиб чиқиши, тил, маданият, эътиқодий қарашлари муштараклиги каби омиллар таъсирининг аниқланишига оид илмий натижалардан Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 27 августдаги 181/1-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш туфайли туркий халқлар мифологияси, фольклори, бадиий тафаккурининг романчилик такомиллидаги ўрни, жаҳон сўз санъатининг миллий адабиёт тараққиётига таъсирини ўрганиш бўйича назарий умумлашмалар чиқаришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та, жумладан, 5 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 41 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, улардан 1 таси хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми 270 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Истиқлол даври ўзбек романларида Шарқ ва Ғарб бадиий тафаккури тараққиёти инъикоси”** деб номланади ва у икки фаслдан ташкил топган. Бобнинг биринчи фасли **“Шарқ ва Ғарб анъаналари синтезининг юзага келиш омиллари”** деб аталган. Ғарб ва Шарқ деган икки улкан доиранинг бадиият дурдоналари ўртасидаги фарқ юзасига катта тўсиқ қўйиш фикридан йироқ ҳолда, кўп йиллик адабий тажрибалар, бадиий асарларга хос характерли хусусиятларни умумлаштириб, шуни кузатиш мумкинлиги, аксарият Ғарб бадиият намуналарида табиий, ижтимоий, тарихий, маиший, маънавий, руҳий манзарани тасвирлаш, улар ҳақида маълумот бериш, реал ёки фантастик лавҳаларни чизиш йўлидан борилганлиги кўринади. Шарқ адабиёти нафақат тасвирлаш, балки ҳодисалар моҳиятидан сабоқ бериш мақсадини устун қўяди. Шарқ ижодкори, хоҳ у кўпчилик халқ бўлсин (бунда халқ оғзаки ижодиёти намуналари назарда тутилмоқда), хоҳ яқка шахс, нафақат инсоният хатти-ҳаракатлари, балки ҳайвонот, наботот, жонли ва жонсиз табиат уйғунлигида илоҳий ҳикмат кўради. Булар китобхонга ўзларида акс этган ҳаётий ҳақиқатлардан сабоқ беради, яқка шахснинг маънавий-руҳий олами, эътиқоди, қизиқишлари билан ҳамнафас бўлса-да, Шарқда тасвирланган қахрамон ўз шахсий майлларини кўпчилик манфаатларидан устун қўя олмайди. Қисқаси, Шарқ адабиётида ахлоқий-дидактик руҳ кучли. Шу маънода, Шарқ ва Ғарб адабиёти учун характерли бўлган хусусиятларни нисбий тарзда умумлаштириш мумкин.

Ғарб адабиётида оламни бадиий идрок этиш ва акс эттиришда характерли бўлган хусусиятлар қуйидагилар: таҳлилийлик, воқеалар

ривожига фаол таъсир этмайдиган сермуҳокамалик; фалсафийлик, оламини ўзига хос идрок этиш натижасида юзага келган хулоса; ижтимоий талқин, воқеликни танқидий кўздан кечириш; ҳақиқат ва гўзалликнинг реалликка асосланиб ҳал қилиниши; инсоннинг жамият фаровонлиги учун курашда тасвирланиши; зиддият, тўқнашувларга ғалабага ишонч ва ҳаракатнинг асос қилиб олиниши; реал манзаралар тасвири етакчилик қилиши.

Шарқ адабиёти учун характерли бўлган хусусиятлар қуйидагилар: ифодавийлик, бадиий ғояни кўрсатмалилик, намунавийлик асосида баён этиш; ривоявийлик, воқеаларни ровиёна услубда етказиш; ҳаётнинг рамзий-мажозий ифодаси; ҳақиқат ва гўзалликнинг энг буюк мезонлари идеалга асосланиб ҳал этилиши; инсон характерининг жамият фаровонлиги учун фидойи тарзда тасвирланиши; муроса фалсафаси, эътиқод, маънавий ҳақиқатлар устун қўйилиши; рамзий-мажозий тимсоллар ибрати тақдим этилиши.

Истиқлол даврида янги иқтисодий-ижтимоий вазиятдаги алоҳида шахснинг маънавий-руҳий олами асосий ҳаётий манба бўлиб хизмат қилди. Романларда ёзувчининг эстетик идеали қаҳрамонлар ички оламида юзага чиққан ташқи воқеликка нисбатан реакция фонида намоён бўлди. Айни жараёнлар тасвирида воқеалар билан психологик таҳлил мутаносиблигига эришишга интилишда Ғарб адабиёти бадиий ифода усулларининг таъсири сезилади.

Шарқ адабиёти таъсири натижасида эса давр романчилигида мажозий, фалсафий, маърифий-ирфоний руҳ кучайди. Айниқса, Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин намояндалари Ф.Аттор, Ж.Румий, А.Навоий, Б.Машраб каби буюк ижодкорлар адабий меросидан таъсирланиш, улар ҳаётбахш анъаналарини замонавий бадиий насрга тадбиқ этиш хусусияти яққол кўзга ташланди. Романчиликда шарқона тафаккур тарзи, Шарқда мақбул саналган эстетик идеаллар, халқнинг ментал табиати, эътиқодидан ташқари, мумтоз адабиётга хос поэтик тасвир восита ва усулларидан фойдаланилди.

Истиқлол даври романчилигида: реал ҳаётни аниқлик ва ҳаққонийликда кўрсатиш, инсоннинг ички дунёсини кашф этиш, умумбашарий муаммолардан ўткир ҳаётий фалсафий хулосалар чиқаришга интилишда Ғарб ижодкорлари тажрибасига таянилганлиги; рамзийлик ва образли баён усули, ёзувчининг эстетик идеали, ғоявий мақсадида воқеликдан ибрат олишга даъват этиш, панд-ўғит бериш мақсади устувор бўлган ҳолатларда Шарқ адабий анъаналари таъсири кузатилди.

Ҳар қандай ижтимоий-тарихий жараён, хусусан, адабий ҳодисалар ҳам муайян маънавий, маданий, илмий, ижтимоий омиллар асосида шаклланади ва тараққий этади. Шу боис, истиқлол даври ўзбек романчилигида Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтезининг юзага келишини изоҳлашда тадқиқотда:

1. Ижтимоий-тарихий омиллар.
2. Маънавий-маданий омиллар.
3. Индивидуал-руҳий омиллар алоҳида эътиборда тутилди.

Бобнинг иккинчи фаслида **“Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтезининг назарий асослари”** масаласи ёритилган бўлиб, унда Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари ва бадиий синтез масалалари, уларнинг кўлами, ифода йўсинлари, истиқлол даври ўзбек романларида қўлланилиши муаммолари тўғрисида фикр юритилган.

Адабий анъана муайян бир ижодкорнинг адабиёт оламига олиб кирган янгилиги ҳамда унинг кейинги авлод вакиллари ижодида намоён бўлиши маъносида ҳам (масалан: Алишер Навоий анъаналари), қайсидир бир адабиётда амалда бўлган бадиият сирларининг иккинчи бир адабий жараёнда қўлланилиши маъносида ҳам (масалан: мумтоз адабиёт анъаналари) тушунилади.

Бадиий ижод жараёнида фаол қўлланилувчи адабий анъаналарни шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

- а) халқ оғзаки ижоди анъаналари;
- б) ёзма адабиёт анъаналари.

Ёзма адабиётга хос адабий анъаналарни даври ва ўрнига кўра: а) адабий-тарихий анъаналар; б) замонавий адабиёт анъаналари; в) Ғарб адабиёти анъаналарининг ижодий ўзлаштирилишига ажратиш мумкин.

“Синтез” сўзи грек тилидан олинган бўлиб¹, мазмунан турли кўринишдаги бирликлар, нарса ва ҳодиса, тушунчаларни умумлаштириш, уйғунлаштириш, бириктириш ҳодисасини англатишда ишлатилади. Бу тушунча ижтимоий ва маданий соҳаларнинг кўпчилигига тегишли.

Бадиий синтезнинг табиий синтездан фарқли бўлган асосий жиҳати эса у дастлаб ижодкор-яратувчининг онгида ҳосил бўлади, сўнгра воқеликда руёбга чиқади. Адабиётда бадиий синтез ҳодисасининг юзага келиши ижтимоий, маънавий, мафкуравий жараёнларнинг таъсирига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, энг аввало, ижодкорнинг қизиқиши, интеллектуал даражаси, орттирган тажрибаси, дунёқараши, тафаккур ва тасаввурининг қамров доираси кабилар асосий омиллар бўлиб хизмат қилади.

Бадиий ижод жараёнидаги ғоят мураккаб ҳодиса бўлган Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарининг синтези серқирра ва кенг қамровли муаммодир. Чунки Шарқ дейилганида Яқин ёки Узоқ Шарқ ҳудудларига кирувчи давлатлар ёхуд Ғарб деганда, Европа мамлакатлари адабиётига хос анъаналарнигина эмас, балки миллий адабиётга хос бўлган ёки дунё адабиёти хазинасидан ижодий ўзлаштирилган барча кўринишдаги адабий-бадиий издошлик назарда тутилади.

Жаҳон адабиётшунослигида Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари, анъана ва ижодий таъсир, бадиий синтез масаласининг турли қирралари Гегел, Н.И.Конрад, В.М.Жирмунский тадқиқотларида ўрганилган². Шунингдек, Шарқ ва Ғарб синтезининг янги босқичга кўтарилиши Ғарб адабий анъаналарининг кириб келиши ва миллий анъаналар билан уйғунлашуви

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. II том. – Москва: Рус тили, 1981. – Б. 52.

² Гегел В. Эстетика. В четырёх томах. Том третий. – Москва: Искусство, 1968. – 386 с.; Конрад Н.И. Запад и Восток. – Москва: Наука, 1972. – 496 с.; Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Москва: Наука, 1979. – 496 с.

жараёнларини турк адабиётшунослигида Танзимот даври адабиётига бориб тақалиши кўрсатилган¹. Шарқ ва Ғарб анъаналари масаласига доир Озарбайжонда ўтказилган илмий анжуманда кўрилган муаммолар доирасидан туркчилик, адабий ворисийлик, маданий анъаналар Озарбайжон адабиётига ҳам узок тарихга эга эканлиги эътироф этилди². Шарқ ва Ғарб адабий тафаккури тараққиёти масаласи тўғрисида ўзбек адабиётшунослигида ҳам теран мулоҳазалар баён этилган³.

Истиклол даври ўзбек романларини адабий анъаналарга муносабати нуқтаи назаридан шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. *Шарқ адабий анъаналари синтези устувор бўлган романлар.* Замондош ёзувчилар Шарқ ва Ғарб адабиётининг етакчи адиблари қаламига мансуб энг сара, кўпчилик эътиборини тортиб улгурган, адабий-бадий жамоатчилик эътирофига сазовор ёхуд китобхон қалбини ларзага келтира оладиган намуналарига хос поэтик гўзаллик, нафис санъаткорлик, адабий етуклик сирларини кашф қилишга интилишди. Бундай романларга О.Мухторнинг “Ффу”, У.Ҳамдамнинг “Мувозанат”, “Сабо ва Самандар”, И.Султоннинг “Озод”, “Генетик” романларини мисол қилиб келтириш мумкин.

2. *Ғарб адабий анъаналари синтези устувор бўлган романлар.* Мустақиллик даври романчилигида жаҳоннинг машҳур адибларидан Ж.Жойс, Ф.Кафка, Г.Маркес, П.Коэло, А.Камю каби ижодкорлар бадий маҳорат сирларидан ижодий фойдаланилди. Н.Эшонқулнинг “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви”, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”, А.Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” каби романларида Ғарб адабий анъаналари синтезининг устуворлиги сезилади.

3. *Шарқ ва Ғарб адабиёти анъаналари синтезлашган романлар.* Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарининг бадий синтези адабиётда ижтимоий, миллий, маданий, маънавий эҳтиёж натижаси сифатида майдонга келган адабий ҳодисадир. Бундай характердаги романларга мисол қилиб Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, И.Султоннинг “Боқий дарбадар”, У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” каби романларини кўрсатиш мумкин.

Диссертацияда бу жараёнларнинг моҳияти аниқ мисоллар асосида кенг таҳлилга тортилиб, замонавий романчиликнинг ўтмиш ва дунё адабиёти қимматли манбаларидан озиқланганлиги кўрсатилган.

Ишнинг иккинчи боби **“Бугунги ўзбек романларида адабий-тарихий анъаналар синтези”** масаласига бағишланган бўлиб, биринчи фасл **“Давр романчилиги тараққиётида фольклоризмнинг ўрни”** деб номланади. Инсониятнинг тарихий тақдири учун муҳим бўлган, унинг маънавий-ахлоқий юксалиши учун хизмат қилувчи масалаларнинг қамраб олиниши романнинг

¹ Bingöl, U. Peyami Safa'nın Romanlarında Doğu-Batı Meselesi Bağlamında Değerler Çatışması // Iddil Sanat ve Dil Dergisi. – 2017, 6 (31), s. 891-921.

² Azərbaycanşinaslik: keçmişi, bugünü ve geleceği (Dil, Folklor, Edebiyat, Sanat, Tarih) / Uluslararası Sempozyu: Azərbaycan dili və edebiyatı anabilim dalinin kuruluşunun 10. yıl dönümü münasebetiyle 21-23 Ekim 2015 / Kars. Интернет сайты: <mailto:sempozyumcti@kafkas.edu.tr>.

³ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (Қадимий ва ўрта асрлар маданий алоқалари). – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 416 б.; Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 280 б.

ғоявий-бадий қимматини оширишга хизмат қилади. Шу маънода, бугунги адабий жараёнда халқнинг қадриятлари, нодир меросини романлар матнига олиб кириш орқали уларда мужассам этилган ахлоқий-тарбиявий вазифаларни янада кенгроқ доирада бажариш назарда тутилди. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари, бадий матнларда фольклоризмларнинг қўлланилиши масаласи жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида муайян даражада ўрганилган муаммолардан бўлиб, уларда фольклоризм ҳодисаси бир неча хил кўринишларда таснифланган¹. Жумладан, оддий ва мураккаб фольклоризмлар тарзидаги таснифда мураккаб фольклоризмларнинг ўзи аналитик фольклоризмлар, синтезлашган фольклоризмлар, стилизация фольклоризмларга бўлинади. Адабиётшуносликда эришилган ана шу ютуқларга таянган ҳолда бугунги кунда назарий асосга эга бўлган фольклоризм тушунчасини бевосита романлар тараққиёти билан боғлаб ўрганиш мазкур ҳодисанинг истиқлол даври ўзбек романларида намоён бўлишига кўра ажратиш мумкин.

Истиқлол даври ўзбек романларида ижодкорларнинг бадий мақсадига кўра мақол ва маталлардан фойдаланиш асосида юзага келадиган оддий ҳамда фольклор материалига қайта ишлов бериш асосида ҳосил бўлган аналитик фольклоризмларнинг намоён бўлиши тадқиқ этилди.

Истиқлол даври романларида фольклор намуналаридан бир неча хил усул ва мақсадларда фойдаланилгани кузатилади.

Биринчидан, *оғзаки ижод намуналари тўғридан-тўғри бадий матнга олиб кирилди*. Романларда мақол, матал, халқ кўшиқлари, нақл, афсона, ривоят, эртақ каби жанрлардан турли ижодий мақсадларда фойдаланилди. Фольклор намуналари бадий асарнинг тил бойлигини ошириш, муаллифнинг маънавий-эстетик қарашларини образли ва бетакрор тарзда ифодалаш мақсадини юзага чиқаришда кўмакчи воситага айланди.

Иккинчидан, *фольклор намуналари сюжети муаллиф тилидан қайта баён* этилган ҳолда романлар матнига олиб кирилди. Бунда фольклор намуналари кўпроқ бадий асослаш, қаҳрамонлар руҳиятини очиш, асарнинг ғоявий қимматини ошириш мақсадларига хизмат қилди.

¹ Медриш Д.Н. Литература и фольклорная традиция. (Проблемы поэтики): Дисс... д-ра филол.наук. – Волгоград, 1982. – 458 с.; Саримсоков Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980. – № 4. – Б. 37-45; Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1982. – № 2. – Б. 55-58; Стилизация характеридаги фольклоризмлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1984. – № 3. – Б. 31-35; Ҳозирги ўзбек лирикасидаги синтезлашган фольклоризмлар хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985. – № 2. – Б. 35-39; Панова Е.П. Фольклорные традиции в прозе А. С. Пушкина: Дисс... канд. филол. наук. – Волгоград, 2000. – 224 с.; Семенова М.А. Фольклорная традиция в пейзаже А. С. Пушкина: "Евгений Онегин", лирика: Дисс... канд. филол. наук. – Волгоград, 2001. – 219 с.; Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. / Ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича тадқиқотлар. 7-китоб. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 160.; Жуманазаров У. Очилов Б. Шоир ижодида фольклор аънаналари. – Тошкент: Фан, 2009. – 56 б.; Мўминов Ф. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм. Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент – 1994. – 57 б.; Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор аънаналари. – Тошкент: Истиқлол, 2005. – 82 б.; Шарипова Л. 80-90-йиллар ўзбек шеърисида фольклоризмлар: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2009. – 154 б.; Хўжаев Т. XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва фольклор: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент – 1996. – 28 б.; Холиқова Д. Ҳозирги ўзбек шеърисида фольклор аънаналари ва бадий маҳорат: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 26 б.

Учинчидан, давр романчилигида *халқ ривоят ва афсоналари асарнинг бошидан охирига қадар етакчи мазмуни билан яхлитлик касб этгани* ҳам кузатилди.

Фольклорга хос хусусиятлар роман сюжети, ғоявий моҳиятида муҳим ўрин тутиб, яхлит уйғунлик касб этадиган синтезлашган фольклоризмлар бадий далиллаш, қаҳрамонлар руҳиятини очиш, асар мазмунини бойитиш мақсадларига хизмат қилган.

Истиклол даври ўзбек романлари учун хос бўлган *халқ оғзаки ижоди намуналарида намоён бўлувчи хусусиятларни бадий асарнинг мазмунига синдириб юбориш, бадий ифода ҳамда воқелик тасвирини фольклор руҳида ёритиш*. Романчиликда мифопоэтик тафаккур изларининг намоён бўлиши, бадий ифода тарзида фольклордан озиқланиш хусусиятлари давр романчилигининг халқчиллиги ва миллийлигини таъминлади.

Давр романчилигида стилизацион фольклоризмларнинг қуйидаги кўринишлари кўзга ташланди: а) жанр стилизацияси; б) мотив стилизацияси; в) образ стилизацияси.

Жанр стилизацияси ёзма адабиёт жанрларининг фольклорга хос жанрлар билан уйғунлашуви натижасида юзага келади. Бу муаммо тадқиқотда Омон Мухторнинг “Ффу” ривоят-романи мисолида кенг таҳлилга тортилган.

И.Султоннинг “Озод” романида келтирилган воқелик, яъни муҳаббат учун йўлга чиқиш, сирли саргузаштларга дуч келиш мотивлари, жасорат кўрсатишдан чўчимаслик ҳолатларида мотив стилизацияси кузатилади.

Образ стилизациясида О.Мухторнинг “Афлотун” романида Шарқ халқларининг “Минг бир кеча”, “Қалила ва Димна” каби ноёб дурдоналарига хос хусусиятлар кўзга ташланади. Ишда “Афлотун” романидаги Усмон образини эртак қаҳрамонлари билан қиёслаш орқали муайян хулосаларга келинди.

И.Султоннинг “Боқий дарбадар” романи қаҳрамонига “Ҳазрат деган эдики, ойнанинг ўн учинчи кунда, жума куну учиб келадиган қора чумчуқлар аслида мудҳиш ва қаттол бир қарғишнинг юкини олиб келишади...”¹; Н.Эшонқулнинг “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романида қаҳрамон ҳаётида учраган қоралик муқаррар ҳалокат ва тақдирида кутилаётган фожиани рамзий ифодалашга хизмат қилиши ишда қиёсий-типологик чоғиштиришлар асосида кўрсатилган. Аслини олганда, эртак ва дostonларда ҳам қора, қизил, оқ ранглар рамзий моҳият ташиб, қаҳрамонларнинг ҳаёт йўлидаги муайян ўзгаришларга ишора қилувчи воситага айлантирилади.

“Ффу” романида ёзувчи кун ва туннинг рамзий белгисидан ташқари рақамлар зиммасига ҳам муайян поэтик мазмун юклайди: “Мулла Тошпўлат етти эшикка борди”². Бу каби тасвирлар рақамлар магиясига ишончнинг замонавий адабиётда бадий ифода этилишига мисолдир. Халқ эртакларида ҳам уч, етти, тўққиз каби рақамларнинг сирли-сеҳрли кучига ишонч қаҳрамонлар тақдирига муайян таъсир кўрсатиши бадий асосланган.

¹ Султон И. Боқий дарбадар / Асарлар: Романлар ва киссалар. 2-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 6.

² Мухтор О. Ффу. / Аёллар мамлақати ва салтанати. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 39.

Роман сюжетига асос бўлган воқеаларда халқ ишонч-этикоди, оғзаки ижод намуналарига хос белгиларнинг кузатилиши, асар бадиий тўқимасида фольклор унсурлари, мотивларидан фойдаланиш, қаҳрамонлар табиатига хос характерли хусусиятларни ёзма адабиётга кўчириш, поэтик тил ва эпик ифода имкониятларини янада кенгайтиришда озикланиш каби белгисифатлар истиқлол даври романчилигида намоён бўлган муҳим жиҳатлардандир.

Бобнинг иккинчи фаслида **“Мумтоз адабий анъаналар ва бугунги ўзбек романчилиги”** масаласи ўрганилган. Истиқлол даври ўзбек романчилигида мумтоз адабий меросга хос ўлмас мавзулар, рамзий-фалсафий мазмун, ҳаётбахш анъаналардан реалистик наслнинг ғоявий-эстетик, шаклий-бадиий гўзаллигини таъминлашда ижодий фойдаланилган. Давр романчилиги намуналарини мумтоз анъаналар таъсири нуқтаи назаридан қуйидагича гуруҳлаш мумкин: а) мумтоз адабий асарлар сюжетини воқеалар таркибига олиб кириш (“Шовқин”); б) муайян мақсад билан қайта ишлаш, ижодий ўзлаштириш ҳолатлари (“Озод”); в) қаҳрамонларнинг рухий олами, қалб изтиробларига тақдирдош излашга интилиш кўзга ташланди (“Сабо ва Самандар”); г) мумтоз адабиётдаги ғоявий ниятнинг ёзувчилар поэтик мақсадлари билан уйғун, мос келиши бадиий асар мазмунини тўлдириш, ғоявий мундарижасини бойитиш, поэтик кўламини кенгайтиришга хизмат қилиши (“Боқий дарбадар”).

Давр романчилигида Шарқ адабий дурдоналарига хос тасаввуфий, маърифий талқинлар тез-тез кўзга ташланади. Бир қанча ўзбек романларида реал воқелик тасвири рамзий-фалсафий моҳиятга эга бўлган ҳикоятлар, ибратлар билан бойитилган. Ҳикматга йўғрилган умумлашмалар ўқувчини ўйга толдиради.

“Боқий дарбадар” романида ёзувчи фантазияси маҳсули ўлароқ, дунёда жадал илгарилаётган илмий, техник, технологик тараққиёт башарият онгидаги маънавий ўзгаришлар билан параллел бораётгани ҳолда иккинчи жиҳат дунё ҳамжамиятининг диққатини жалб этадиган даражадаги долзарб муаммога айланганлигини эътиборга олади. Адиб муаммога шарқона назар билан ечим топишга интилади.

“Озод” романида ҳам ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарининг бадиий синтези кузатилади. Романда муҳаббат, садоқат, бурч каби олий инсоний мақсадлар йўлида сафарга чиққан қаҳрамон бетакрор ажойиботларнинг гувоҳига айланади. Тақдир лоласини излаш жараёнида унга шамол ҳамроҳ ва йўлбошчи бўлади. Ушбу рамзий тимсол Алишер Навоий қаламига мансуб “Лисонут тайр” асари қаҳрамони, қушлар йўлбошчиси Худхудни эслатади. Шамол Озоднинг ходисалар моҳияти тўғрисида муҳокама юритишида дилкаш ва зукко суҳбатдошга айланади. Улар биргаликда турли водий ва дашту биёбонларни кезишади. Бу водийлар “Лисонут тайр” асаридаги Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру Фано каби етти водийни эслатади. “Энди сен фано даштидасан, - деди шамол. – Бу ерга етиб келганлар жуда оз, санокли киши холос. Ана, бири кетиб бормоқда. У шу қадар муборакки, биронта хайвон даф қилишга ботинолмайди, билъакс,

қаршисида йўл бўшатишади, теграсида тўпланиб, музтар-музтар, илинжли ёлворишади”¹. Саргузаштларга бой саёҳати давомида Озод узумзорлар эгаси, қўшни аёллар, кўр киши, дарахтзор, икки қуш, йўл кўрсатувчи, сўқмоқдан йўртиб бораётган от, кучук, қушча, учёнғоқ, ота, ўғил каби турли қатламларга мансуб жуда кўп одамлар, нарса-ҳодисалар, ўсимлик ва жонзотларни учратади. Ижодкор инсон умрининг мазмуни эзгулик, эътиқод сингари ахлоқий фазилатлар билан маънавий бойиши мумкинлигини бадий далиллаб беришга интилади.

Ёш арслон ҳақидаги эпизоддаёқ романда диний-маърифий, тасаввуфий-ирфоний ғоялар акс этганлигини кўриш мумкин. Оламнинг Оллоҳ жилваси тажассумидан иборатлиги ҳақидаги тасаввуф таълимоти талқин этилган “Лисонут тайр” асаридаги ўттиз қуш ҳам аслида ана шундай қарашларнинг рамзий ифодаси эди.

“Озод романи қаҳрамони Шарқ тасаввуф адабиёти намуналарида кўзга ташланувчи Ҳақни истаб йўлга отланган толибни эслатади. Натижа эса аён: борлиқнинг табиийлиги, мукамаллигига иқрор бўлиш.

У.Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романида Шарқ адабиётининг мумтоз анъаналари бадий синтез қилинганлигини кузатиш мумкин. Лиризм, романтик руҳнинг кучлилиги романда А.Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” асари кучли таъсири борлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

Бугунги ўзбек романчилигида инсоният тақдирига оид азалий муаммолардан баҳс юритиш, рамзий-мажозий тасвир имкониятларидан фойдаланиб, поэтик гўзалликлар яратишда ўзбек мумтоз адабий анъаналари йўлидан бориш, уларда синовдан ўтган тажрибаларга таяниш ҳаракатлари кузатилади. “Сабо ва Самандар” (У.Ҳамдам), “Рўё ёхуд Гулистонга сафар” (А.Аъзам), “Фано даштидаги қуш” (А.Дилмурод), “Тепаликдаги хароба”, “Аёллар мамлақати ва салтанати” (О.Мухтор) каби асарларда ўтмиш адабиётида яратилган дурдона асарлар ютуғини таъминлаган анъаналарнинг поэтик синтез қилинганлиги ижобий ҳодисадир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, замонавий ўзбек насрида миллий ва жаҳон мумтоз адабиёти анъаналарининг моҳирона бадий синтез қилинганлиги романлар муваффақиятини таъминлаган асослардан биридир.

Бобнинг учинчи фасли **“Ўзбек романчилик мактаби ва эпик тасвир анъаналари”** деб номланади. Бугунги романнавислар устоз адиблар тажрибасида синалган усулларни ўзлаштириш ва янада бойитишга интилдилар. Ўзбек романчилик мактаби асосчиси А.Қодирий услубига хос бўлган: асар воқеалари марказида оила ва муҳаббат мавзуси ёритилса-да, ушбу масалаларни ижтимоий муаммолар билан уйғунликда ифодалаш; ижобий қаҳрамонларни симпатия билан тасвирлаш, салбий персонажларга муаллиф антипатиясининг яққол сезилиши; қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, жисмоний қиёфасини маънавий қиёфасига мувофиқ акс эттириш (Бундай усул аслида А.Қодирий услубига халқ оғзаки ижоди таъсирида

¹ Султон И. Озод / Асарлар: Романлар ва қиссалар. 2-жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 220.

кириб келган); воқеалар ва характерларни бадиий далиллаб бориш; миллий урф-одатларнинг асар конфликтда муҳим аҳамиятга эгаллигига эътибор қаратиш; эпизодик қаҳрамонлар характерини бадиий мақсадни ёритиш даражасига кўра ифода этиш; психологик далиллашда турли воситалардан (масалан, табиат ва инсон руҳиятини параллел тасвирлаш; қаҳрамоннинг мусиқа тинглашга майлини ифода этиш кабилар орқали кўрсатиш) фойдаланиш жиҳатларининг ижодий ўзлаштирилганлигини кузатиш мумкин.

Модерн адабиётга хос унсурлар кучли бўлса-да Х.Дўстмухаммаднинг “Бозор” романида ҳам ўзбек реалистик романчилиги анъаналарининг таъсири сезилади. Асарда кўтарилган масалалар, ёзувчининг муҳаббат муаммоси ҳақидаги тафсилотлар баёни орқали ижтимоий муаммоларни ёритишга ҳаракат қилиши, яъни ижтимоий муаммоларни маиший муаммоларга ўраб тасвирлаб беришида қодириёна услубга эргашиш кузатилади.

Қ.Кенжа “Палаҳмон тошлари” романида илгари сурилган ғоявий ният муҳим ва долзарб муаммога қаратилган: асарда миллий истиқлол, ўзбек халқининг оғир дамлардаги кечмиши, эрк учун курашган ёки шу алам билан ҳасрату надоматда умр кечирган ўзбеклар ҳаёти ҳақидаги воқеалар қаламга олинган. Адибга ғоявий-бадиий қарашларини ифода этишда А.Қодирий ижод мактаби анъаналари ёрдамга келади. Шунга қарамай, романда китобхонни ишонтириш кучи етишмайдиган, характерлар мантиқий далилланмаган ўринлар ҳам учрайди. Айрим ўринларда эса асар воқеаларини боғлашдаги композицион изчиллик бузилганлиги сезилади.

Шунингдек, истиқлол даврида ўзбек романчилигининг бир асрлик тараққиёт босқичларида кўлга киритилган ютуқлари ривожлантирилгани сезилди. Жумладан, А.Чўлпон, А.Қаҳҳор, Ойбек, Мирмуҳсин, А.Мухтор, С.Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодировлар асарларидаги эпик кенглик, ғоявий кўламдорлик, фалсафий мушоҳадакорлик, ҳаёт ва тарих ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш жараёнидаги ва китобхонни ишонтириш кучига эга бўлган характерларни яратиш борасидаги тажрибалар бугунги кун ёзувчиси учун маҳоратни ошириш мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Ҳозирги ўзбек романларида жаҳон адабиёти традицияларининг бадиий синтези: таъсир ва талқин”** деб номланиб, уч фаслни ўз ичига олади. Биринчи фасл **“Истиқлол даври ўзбек романларида мифопоэтик тафаккур”** масаласига бағишланган. Асар сюжетини мифологик тафаккур асосига қуриш ўзбек романчилигида кенг тарқалиб ва такомиллашиб бораётган усуллардандир. Мифология унсурларининг фольклордаги талқинлари ва миллий, маданий, маиший, тарихий, сиёсий воқеалар асосидаги ижтимоий реализмни идентификациялаш асосида органик синтез ҳолати юзага келди. Миллий романчиликда намоён бўлган ушбу тарздаги ёндашувда Ғарб модернизми босиб ўтган ифода йўсинларидан борилаётганлигини сезиш қийин эмас. Ғарб романчилигида мифопоэтик тафаккур излари муаммосини атрофлича тадқиқ этган олим Е.М.Мелетинский қарашлари фикримизни асослай олади: “Ушбу ўзига хос маданий-тарихий ҳолат такрорланиб турувчи архитепларнинг модернистик изланишлари ва миллий ўзига хосликнинг романтик моҳияти

билан ўзгариб турадиган органик синтез, тарихийлик ва мифологизм элементлари, ижтимоий реализм ва ҳақиқий фольклорнинг ўзаро боғлиқлиги ва интерпретациясини таъминлайди. Ушбу ўзига хос ҳодисани ифодалаш учун ғарб танқидчилиги “магик реализм” атамасини кенг қўллайди (вақти-вақти билан ушбу атама Ғарбий Европа модернистларига, масалан, Кафка учун тўғри қўлланган)¹. Мифологик қатлам ва ёзма адабиёт муносабатлари масаласи миллий адабиётшунослигимизда ҳам бир қанча тадқиқотлар доирасида ўрганилди².

Истиқлол даври ўзбек романчилигида мифопоэтик тафаккур билан алоқадор тасвирлар қуйидаги манбалар асосида шаклланди: а) маросим, одатлар ҳамда мифологик тафаккур ва ёндашув асосида; б) фольклордаги мифологик мотивлар асосида; в) фольклордан озиқланган миллий ёзма адабиётда акс этган мифологизмлар асосида; г) диний дунёқараш асосида; е) юнон мифологияси асосида; ё) Лотин Америкаси адабиётидаги “магик реализм” тажрибаси асосида.

Ишда истиқлол даври ўзбек романларида намоён бўлган мифопоэтик хусусиятларни *диний дунёқарашга асосланган мифологизмлардан фойдаланилиши* (У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат”, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романлари); *анимистик ва фетишистик дунёқарашга асосланган мифопоэтик тафаккур изларининг намоён бўлиши* (И.Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод” романлари); *асар сюжетининг юнон мифологиясида акс этган мифопоэтик тафаккурга асосланганлиги* (Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи); *неомифологик тафаккур изларининг намоён бўлиши* (Ш.Бўтаевнинг “Шох” романи); *тотемистик дунёқарашга асосланган мифопоэтик тафаккур изларининг намоён бўлиши* (А.Дилмуроднинг “Фано даштидаги қуш” романи) гуруҳларига ажратган ҳолда таҳлил этилди.

Ўзбек ва туркий халқларнинг адабий алоқалари масаласи доирасида ўзбек адабиётшунослигида бир қанча ишлар амалга оширилган. Ҳудудий ва тил яқинлиги мавжуд бўлган халқлар ўртасидаги адабий ҳамкорлик ва ижодий таъсир натижасида адабий жараёнда юзага келган янги таъмоийлар турли даврлардаги адабий ҳодисалар мисолида тадқиқ этилган³.

¹ Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – Москва: Наука, 1976. – С. 365.

² Ҳайдаров Т. “Гўрўғли” ва мифология синкретизми: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1993; Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорининг дев образининг мифологик асослари ва бадиий талқини: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1996; Ишмурадов М. “Авесто”да мифологик қатлам: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2002; Эшонқул Ж. Вокеллик ва хаёлот уйғунлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2002. – № 29; Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 184 б.

³ Турдиев Ш. Ҳаётбахш таъсирлар (Ўзбек ва қардош халқлар адабий алоқалари тарихидан). – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – 107 б.; Турдиев Ш. Ҳаётбахш алоқалар (Ўзбек ва турк адабий алоқаларининг ривожланиш тарихидан (1905-1925 йиллар)). // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 1. – Б. 193-198; Қурамбоев К. Ўзбек-туркман адабий алоқалари. – Тошкент: Фан, 1978. – 208 б.; Сейданов Қ. Адабий ҳамкорлик. – Тошкент: Фан, 1978. – 32 б.; Муродов Ғ. Тарихий жараённинг бадиий талқини. – Бухоро, 1994. – 104 б.; Искандарова О. “Диёнат” ва “Қиёмат” романларида инсоний муносабатларнинг бадиий тасвири: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1995. – 127 б.; Ишниевова Ш. Ҳозирги замон ўзбек ва қирғиз насрида афсона ва ривоятларнинг киёсий-типологик таҳлили: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 22 б.

Мустақиллик даври романчилигида юзага келган Х.Дўстмухаммаднинг “Бозор”, М.Алининг “Улуғ салтанат”, А.Дилмуроднинг “Фано даштидаги куш” Н.Арслоннинг “Мавҳумот”, И.Султоннинг “Боқий дарбадар” романларида халқ эътиқодий қарашлари муҳим ўрин тутди. Миллий менталитетга хос хусусиятлар, халқнинг ишонч-эътиқоди билан боғлиқ мифологик қарашлар реалистик услубда яратилган асарларда қаҳрамонлар характери, руҳиятини бадиий далиллаш, воқелар ривожини таъминлаш, ғоявий асосни мустаҳкамлаш мақсадига хизмат қилган бўлса, модернистик характердаги романларда ноанъанавий шаклий-услубий изланишларга йўл очди.

Маълумки, туркий халқлар мафкурасида бўри тотеми алоҳида ўрин тутди. Ўзбек халқ афсона ва эртакларида ушбу образ муқаррар ҳалокатлардан огоҳлантирувчи, эзгулик ва ғалаба келтирувчи халоскор куч сифатида гавдаланади.

Замонавий ўзбек романларида ҳам туркий халқларнинг бўри тотемига оид мифологик қарашлари уйғунлаштирилган ҳолатлар учрайди. П.Қодировнинг “Она лочин видоси” ҳамда М.Алининг “Улуғ салтанат” романларига бўри билан боғлиқ афсона ва ривоят қистирма эпизод тарикасида киритилган. “Фано даштидаги куш”да Эна Кўкбўри асар сюжетида муҳим ўрин тутиб, китобхон кўз ўнгида бош қаҳрамон ҳаёллари орқали гавдаланади. Туркий халқлар мифологиясида бўри тотеми авлодлар давомийлигининг сақлаб қолинишида боискор; меҳрибон, оқкўнгил, саховатли; эзгулик тарафдори; буюк ишларга даъваткор ва ҳомий куч сифатида тасвирланади. Ушбу романларда ҳам халқ мифологиясининг ана шу жиҳатлари устуворлик қилади.

Бобнинг иккинчи фасли **“Адабий таъсир ва ўзбек романчилигининг янгилиниш хусусиятлари”** масаласига бағишланган. Замонавий ўзбек романчилиги бадиий тафаккур тараққиётида адабий таъсирнинг ўрни бекиёсдир. Жаҳон адабиёти, санъати ва эстетикаси ютуқларидан ижодий ўрганиш натижасида ўзбек адабиётида хилма-хил услуб ва шаклдаги янги изланишлар юзага келди.

О.Мухтор, Х.Дўстмухаммад, А.Дилмурод, У.Ҳамдам, Н.Эшонқул каби ўзбек адабиётининг таниқли намояндлари ижодий камолотга эришишда Ф.Кафка, А.Камю, Ж.Жойс каби жаҳонга машҳур кўплаб адиблар ютуқларидан ижодий баҳраманд бўлдилар. Ана шундай таъсирнинг ўзига хос ва ҳаётбахш қирралари ёзувчи Н.Эшонқул ижодида кузатилади. Унинг “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романида сюжет қурилиши, хронотопи, композицияси, образлар олами билан бир қаторда ёзувчининг ғоявий-бадиий ифода тарзида Франс Кафка ижодий кашфиётларига яқинлик сезилади. Ушбу яқинликнинг айрим қирралари тўғрисида адабиётшуносликда муайян қарашлар мавжуд¹.

Франс Кафка ва Назар Эшонқулни макон, замон, дунёқарашдаги фарқлар чегаралаб туради, албатта. Аммо ижтимоий таҳдидлар оқибатидаги

¹ Солижонов Й. Йил хирмони, ҳосил сифати // Шарқ юлдузи, 2013. – № 3. – Б. 124; Якубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси: Филол. фан. д-ри (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 71 б.

инсон фожиасига муносабатнинг муштараклиги адиблар ижодини қиёсий-типологик назардан ўтказишга имкон беради. Бу икки асар қаҳрамонларини чорасизлик, адолатни қарор топтиришнинг иложсизлиги ва ана шу жараёндаги кечмишлари яқинлаштиради. Ишда иккала адиб ижодидаги муштарак жиҳатлар тўғрисида “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” ва “Жараён” романлари таҳлили асосида муайян хулосалар берилди.

Истиклол даври ўзбек романчилигида намоён бўлаётган муваффақиятлар, поэтик янгиланишларда адабий таъсирнинг ўрни беқиёс эканлигини адиблар ижодида Лотин Америкаси насрига хос бир қанча хусусиятларнинг зоҳир бўлаётганлигида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романига Лотин Америкаси адабиётининг машҳур намояндаси Пауло Коэло қаламига мансуб “Алкимёгар” асари таъсири сезилади. Иккала асар ҳам ўзини, ўзлигини таниб, идрок этиб бораётган шахс қисмати, унинг иқдорлари ҳақида эканлиги билан муштаракдир.

“Алкимёгар”да Пауло Коэло олий мақсадлар, юксак идеаллар қаршисида турган инсон кечмиши, у англаб етган ва ишонч ҳосил қилган ечим, хулосалар тўғрисида баён этади. Бундай ўринлар “Исён ва итоат” романида ҳам тез-тез учраб туради. У.Ҳамдам ўз романининг кўплаб қисмларини фалсафий мушоҳадалар билан бойитади. Романга Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақидаги воқеаларнинг киритилиши унда диний-маърифий ғояларга ҳам ишора борлигидан далолат беради.

Бобнинг учинчи фасли **“Адабий оқим ва йўналишлар: бадий уйғунлик масалалари”** деб номланади. Давр романчилигида Ғарб адабиёти намояндалари услубига хос хусусиятларнинг қайсидир бирига тўлалигича эргашишдан кўра, уларнинг ҳар қайсисидан тегишли ва керакли унсурларни, маҳорат қирраларини қабул қилиш ва ўз ижодий лабораториясида қайта ишлаб, синтезлаш жараёни кузатилди. Миллий романчиликда: 1) Лотин Америкаси “сеҳрли реализм”и, инглиз ва америкалик адиблар ижодида кўзга ташланувчи экзистенциализм фалсафаси кўринишлари, 2) воқеликни барча тафсилотлари билан ёритиб борадиган натурализм белгилари; 3) инсоннинг ички оламини изчиллик билан тасвирлашга урғу берувчи “онг оқими” ифода усуллари; 4) аънаналардан чекиниш ҳаракатида бўлган модернизм белгилари; 5) постмодернизм унсурлари учрайди.

XX асрда жаҳон модернизми ҳам турли хилдаги оқимлар синтези ҳосиласи эканлиги адабиётшунослар томонидан таъкидланган. М.Холбеков Ж.Жойс қаламига мансуб “Улисс” романи тўғрисида гапира туриб, уни символизм, ҳам авангард, ҳам “юксак модерн”, ҳам “постмодерн” қолипидаги асардек ўқилиши мумкинлигини, Т.Жўраев эса уни модернизм, сюрреализм, экзистенциализм, фрейдча психоанализ услуби намунаси, “тафаккур оқими” йўналишидаги роман эканлигини исботлашга уринади¹.

¹ Холбеков М.Н. XX аср модерн адабиёти манзаралари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013; Жўраев Т. Модерн бизга бегона эмас, бироқ у ягона йўналиш эмас... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2009. – № 29.

Модернистик асарларда бир қатор ноанъанавий белги-хусусиятлар кўзга ташланади. Жумладан, бундай асарларда воқеликнинг нореал макон ҳамда одатдаги вақт меъёрларига тушмайдиган замонда юз бериши характерли. Қолаверса, ана шу макон ва замон тасвирида ёзувчининг беҳад юксак фантазияси намоён бўлади. Масалан, ўзбек романларида ғалати кўрғон, маҳкама, бино ва ҳоказоларнинг тасвири ва уларнинг ғайритабиий тарзда пайдо бўлиб, антиқа тарзда асар воқелигидан чиқиб кета олиши тасвирини олайлик. О.Мухторнинг “Тепаликдаги хароба” романида *хароба*, “Аёллар мамлакати ва салтанати” романида *бино*, “Афлотун” романида *қудуқ*, “Минг бир қиёфа” романида *маҳкама*, Н.Эшонқулнинг “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романида *маҳкама*, А.Дилмуроднинг “Фано даштидаги қуш” романида *қаср* кабилар шулар жумласидандир. Модерн романларда гарчи ҳажм ихчам ва воқелик қамрови кенг бўлса-да, анъанавий романларга хос бўлган ижтимоий ҳаёт воқелигини изчил ва барча тафсилотлари билан узвийликда кўрсатиш услуби етакчилик қилмайди. Мураккаблик бундай асарнинг композицияси, тил хусусиятлари ва умуман, поэтикасини таъминловчи барча бадиий ифода усулларига хос бўлиб қолади. Ёзувчи тасвир этмоқчи бўлган масалалар кўпроқ бош қаҳрамоннинг қалб призмасидан ўтказилган ҳолда баён этилади. Ишда қўйилган муаммо Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романи таҳлили асосида ёритилди.

Ўзбек романларида намоён бўлган анъанавий реалистик тасвирдан чекиниш, услубий янгиланишларда адабий-тарихий анъаналар ҳамда Ғарб адабиёти намуналарига хос ноанъанавий изланишлар йўлидан бориш ҳолатларини О.Мухтор романлари орқали ҳам кузатиш мумкин. Бу тўғрида адабиётшунос У.Норматов ҳам таъкидлаб ўтади¹. Чиндан, ёзувчи романларида, бир тарафдан, Шарқ халқлари оғзаки ижоди намуналари, масалан, эртақ ва дostonларида тез-тез учрайдиган мотивлар, деталлар, тимсоллар, эпизодларнинг қайсидир бир жиҳати намоён бўлганлигининг кузатилиши, унинг асарларида халқона оҳанг, миллий руҳ, енгил юмор ва айни пайтда, содда ва равон услуб юзага чиқишини таъминлайди. Иккинчи тарафдан эса Ғарб модерн адабиётида кўзга ташланадиган хусусиятлар, яъни воқеа-ҳодисаларнинг реал борлиқдан ташқарида кечган тарзда ҳикоя қилиниши ёки қаҳрамонларнинг ғайритабиийдек таассурот қолдирадиган ҳолат, вазият, одатлари, уларнинг ички дунёси ва ташқи оламда юзага чиқараётган хатти-ҳаракатларининг аралаш тарзда бериб борилиши кабиларда ижодкорнинг янгича изланишлар йўлидан борганлиги кузатилади. О.Мухтор романларида кузатилган Шарқ ва Ғарб поэтик анъаналари синтезини қуйидаги формула асосида кўрсатиш мумкин: халқ оғзаки ижоди+Шарқ романтик адабиёти+Лотин Америкаси “сеҳрли реализм” оқими+Европа адабиёти таъсирида кенг ёйилган “онг оқими”.

Модерн романларнинг тил хусусиятларида ҳам ноанъанавийлик яққол сезилиб туради: ички монолог, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, сўзлашув тарзига худа-беҳуда аралашавермаслик, воқеа-ҳодисалар ифодасида

¹ Норматов У. Бугунги насримиз тамойиллари // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 1997. – № 3. – Б. 163.

тасвирийликнинг кучлилиги каби белгилар бундай асарларнинг кўпчилигига хос. Узун жумлалар, тиниш белгиларининг ишлатилмаслиги бу каби романлар тилида яққол кўзга ташланади. Айрим асарларда бутун саҳифаларнинг битта жумла асосида берилиши кузатилади.

Умуман олганда, истиқлол даври адабиёти намуналари, айниқса, романларда синкретиклик хусусияти яққол кўзга ташланган белгилардан бири бўлди. Синкретиклик хусусияти хилма-хил шаклий-бадий услубларда намоён бўлиб, романларда янгича поэтик кашфиётларнинг юзага келишига боис бўлди. “Боқий дарбадар” романида ўтмиш ва бугун, янгилик ва эскилик, эзгулик ва ёвузлик, огоҳлик ва лоқайдлик каби абадиятга дахлдор тушунчалар тўқнаш келган нуқталарда изчиллик ва оламнинг мувозанати асоси таъминланиши ҳақидаги қарашлар ёритилар экан, унда диний ривоятлар, замонавий фан-техника тараққиёти, илмий муаммолар, шунингдек, тасаввуфий рух, дидактика ва шу кабилар қоришиқ шаклда ифода этилди. Асарда халқ оғзаки ижоди намуналарига хос саргузаштlilik ва кизиқарlilikни ҳам, руҳий таҳлилга асосий аҳамият қаратувчи “онг оқими” йўналиши хусусиятларини ҳам, модерн асарларга хос янгича изланишларни ҳам, Шарқ адабиётига хос рамзийлик ва маърифийликни ҳам, постмодерн намуналарига хос қуроқ-қоришиқлик жамланишни ҳам, интеллектуал романларга хос илмийликни ҳам кузатиш мумкинки, бу белгилар романдаги синкретиклик хусусиятини ёрқин намоён этади.

Хуллас, истиқлол даври ўзбек адабиётида модернистик услубларда яратилган, янгича изланишлар маҳсули бўлган романларда Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари моҳирона синтез қилинди ва модерн типдаги романларнинг бетакрор шакл ва теран ғоявий мазмунга эга бўлишида муайян аҳамият касб этди.

Тўртинчи бобда **“Истиқлол даври ўзбек романи бадиияти: Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари”** масаласи тадқиқ этилган. Бобнинг биринчи фасли **“Бадий образ: анъана ва янгилик масалалари”** деб номланган. Истиқлол даври ўзбек романларининг энг муҳим кашфиётларидан бири бу инсон руҳий-маънавий оламини яратиш бўлди. Романапислар қаҳрамонларнинг мақсад-интилиши, руҳияти, характери, умуман, маънавий оламини акс эттириш борасида миллий адабий-тарихий ва жаҳон адабиёти тажрибаларидан фойдаландилар. Адиблар қаҳрамон тасвирида қўлланилган поэтик усуллар, тажрибалар сирларини ўрганиш асосида мукамал образ яратиш йўлида изландилар. Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, Э.Аъзамнинг “Шовқин”, У.Ҳамдамнинг “Мувозанат”, “Сабо ва Самандар”, “Исён ва итоат”, “Наъматак”, А.Дилмуроднинг “Фано даштидаги қуш”, Н.Эшонқулнинг “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви”, И.Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод” каби асарлари қаҳрамонларининг муваффақиятида адабий анъаналарга издошликнинг ўрни бекиёсдир.

Истиқлол даври романчилигида образнинг Ғарб адабий қаҳрамонларига яқинлик, ўхшашлик касб этиши ёзувчининг эстетик идеали билан ҳам боғлиқ. Глобаллашув даври ижтимоий ўзгаришлари, тараққиёти кўпчилик ўзбек ёзувчиларининг эстетик идеалига ўзгариш, янгиланиш олиб кирди.

Замонавий роман қаҳрамони Ғарб ижтимоий тафаккури тараққиёти билан танишган, ҳаттоки, муайян даражада унинг таъсирида бўлган, айти пайтда миллий қаҳриятлар, қимматларнинг маънавий моҳиятига алоҳида диққат қаратиш эҳтиёжини ўзида ҳис қилаётган инсоннинг, яъни ёзувчининг бадиий кашфиётидир. Шу боис, Фозилбек ота-онаси ёки қариндошлари истагига қарши бора олади (Х.Дўстмуҳаммад “Бозор”); Акбар оиласини ташлаб, исён қилиб кетиб ва итоатга қайтгунига қадар бир қанча синов манзилларини бошидан кечиради (У.Ҳамдам “Исён ва итоат”).

Романларда инсоннинг ҳаёт мантиғи, тирикликнинг моҳияти, ўз қисмати, макон ва замони, ёши, мавқеи, дунёқарашидан қатъи назар адолат ва ҳақиқат тарозиси олдидаги тутуми асосий ўринга чиқарилди. Акбар ўзи истаган янги турмушидан ҳам қониқиш топа олмади, уни инсон деган улуғ номга лойиқ бўлиш эътиқодигина итоатга қайтарди (У.Ҳамдам “Исён ва итоат”); Н. тириклиги ҳақиқатлигига ҳеч кимни ишонтириб билмади (Н.Эшонкул “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви”); самимий муҳаббат соҳиблари учун бахт эшиклари очилмади (У.Ҳамдам “Сабо ва Самандар”); умр бўйи мисқоллаб тўплаган билим, тажрибаси Саидбек Умарни виждон сўроқларидан озод этишда кўмаклаша олмади (А.Дилмурод “Фано даштидаги қуш”). Хуллас, кўпчилик асарларда бадиий воқелик қаҳрамонларнинг маънавий олами картинасида намойиш этилди, сюжет тугуни анъанавий тарзда воқеаларнинг хронологик тасвири асосида эмас, балки персонажлар қарашлари тизими, дунёқараши ўлчови ва иқдорларида ечилди. Алоҳида инсоннинг туйғулари муаммоси ижодкор ғоявий қарашларининг асосини ташкил этди. Адабиётда алоҳида инсонни тушуниш, унинг кечинмаларини ифодалаш етакчи тамойилга айланди.

Замонавий ўзбек романчилигида образ яратиш борасида кўзга ташланган Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтезини кузатганда: а) аввал яратилган образларга қайта мурожаат қилиниши; б) адабиётда мавжуд бўлган айрим қаҳрамонларга хос жиҳатларнинг янги бадиий талқинларда мужассамлаштирилиши; в) поэтик тимсоллар яратилишида адабий анъаналарда қўл келган тажрибалардан, бадиий ифода усулларидан фойдаланилиши; г) мукамал характерлар яратишга интилиш жараёнида адабий анъаналарга таянилиши каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Романнависларда фалсафий, ижтимоий, концептуал қарашларни очиқроқ, ёрқинроқ ифодалашга мойиллик мавжуд бўладиги, бундай юкни бош қаҳрамонга юклаш баъзан асарнинг қизиқарлилик, ҳаётийлик, ишонарлилик жиҳатларига путур етказиши ёки бош қаҳрамон тасвирида схематизм, нутқида баёнчилик унсурларининг юзага келишига боис бўлиши мумкин. Асар сюжетига моҳирлик билан олиб кирилган эпизодик образ ҳам ушбу вазифани бош қаҳрамондан кўра самаралироқ адо эта олади. “Боқий дарбадар” романида профессор Зиёнинг ўғли образи реал гавдаланмайди, балки китобхон отасига йўллаган мактуби орқали унинг тўғрисида тасаввурга эга бўлади. Аммо биргина ана шу хат китобхон онгида ёзувчининг инсон, бугунги куннинг мукамаллик сифатларига эга бўлган

ҳаққоний шахс, етишиб келаётган ёш авлод ва унинг маънавий олами ҳақидаги қарашларига оид муайян тасаввур уйғотади.

Хуллас, адиблар инсон характериани тадқиқ этиш ҳамда ўткир ижтимоий, маиший-ахлоқий муаммоларни кўтариб чиқиб, уларни образлар моҳиятига сингдириб юбориш жараёнида Шарқ ва Ғарб адабиётида мавжуд анъаналардан фойдаландилар, уларни ижодий ривожлантирдилар.

Сўнгги бобнинг иккинчи фаслида **“Давр романчилигида рамзийлик ва бадиий тасвир анъаналари”** масаласи ёритилган. Истиклол даври ўзбек романчилигида маънавий-руҳий, ахлоқий-маиший, ижтимоий-сиёсий масалаларга доир умумбашарий муаммоларни рамзий-мажозий, фалсафий-эстетик талқин этишга интилиш кучайди. Истиклол даври ўзбек романларида ифода этилган воқелик, бадиий замон ва макони, деталларининг турфа маъно қатлами асрий адабий анъаналарни ўзида намоён этиши билан диққатга сазовордир. Жумладан, А.Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар”, И.Султоннинг “Озод”, “Боқий дарбадар”, У.Ҳамдамнинг “Наъматак” романлари бадиий воқелиги тўласича рамзийликка асосланган бўлса, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, А.Дилмуроднинг “Фано даштидаги куш”, Н.Эшонқулнинг “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви”, О.Мухторнинг “Минг бир қиёфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба” асарларида рамзийлик муҳим поэтик воситалардан бири бўлган.

А.Аъзам қаламига мансуб “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” романи ижодкорнинг бениҳоя кенг бадиий манзара яратиш маҳоратидан далолатдир. Романда ҳикоячи қаҳрамон Ғулистон мамлакати ҳақида сўзлаб беради. Ғулистон ёзувчининг фантазияси ҳосиласи бўлган ғаройиб шаҳардир. Ёзувчи луғавий маъноси “занжир” тушунчасини англатувчи “ғул” сўзидан шаҳар номини ҳосил қилади. Адабиётимиз тарихидан маълумки, “занжир” – кишан поэтик детали инсоний қулликни ифода этувчи рамзий маъноси билан жуда кўплаб асарларда тилга олинган. Асарда занжир шартли умумлашмага айлантирилади. Занжир детали романда ижтимоий зулм-зўравонлик, қуллик, ноҳақлик ва шафқатсизликка сўзсиз бўйсунишга мажбур этувчи адолатсиз жамиятни ифода этишга хизмат қилувчи рамз сифатида қўлланган.

Ишда, шунингдек, И.Султоннинг “Озод”, У.Ҳамдамнинг “Наъматак” романлари таҳлили асосида ижодкорларнинг бадиий ғояни рамзларда ифодалашда адабий анъаналардан озикланганлиги аниқ мисоллар воситасида таҳлилга тортилган.

Х.Дўстмуҳаммад қаламига мансуб “Бозор” романидаги бозор, Н.Эшонқулнинг “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви”, О.Мухторнинг “Минг бир қиёфа”, “Тепаликдаги хароба” каби асарларида келтирилган ғайритабиий жойлар тасвири ҳам рамзий моҳиятга эга бўлиб, уқубатли ва мустамлака тузум иллатларини фош этиш, оламдан ажратилган ҳолда жабр-зулм исканжасида сақланган халқ ва унинг ночор, пароканда мамлакатини рамзий шаклда кўрсатади.

Романларда турли ўсимлик, жой ва шунга ўхшаш образли тасвирланган предмет ва ҳодисаларда ёзувчиларнинг бадиий-эстетик қарашлари уйғунлаштирилган. Ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарида бадиий

мукамалликни ва санъат асарида тасвир кўламини кенгайтиришнинг фаол воситаларидан саналган рамзий-мажозий тасвир усулларига мурожаат қилиш, баён услубида рамзийликни кучайтиришга интилиш салмоқли ўрин тутди.

Учинчи фаслда **“Интеллектуал романларда бадиий синтез ва қаҳрамон масаласи”** ёритилган. Инсоннинг бемисл салоҳияти, имкониятлари, шахснинг интеллектуал олами, ижодкорлик қобилияти муттасил ўсиб, фан-техника тараққиёти тезкор илгарилаб бораётганлиги жаҳон насрида, хусусан, ҳаётни катта эпик планда намоён этувчи жанр – романда ўзининг мукамал аксини топмоқда. Натижада, жаҳон адабиётида интеллектуал роман намуналарининг салмоғи ортиб, жанр имкониятларининг кенгайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бундай романлар илмий ва бадиий адабиёт ўрталлиғида туриб, бирини иккинчисига туташтиришда ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Айтиш мумкин, фан-техника ютуқлари ва кашфиётлари поэтик баҳосини олади. Ушбу хусусиятлар Ч.Айтматовнинг **“Охирзамон нишонлари”** ҳамда И.Султоннинг **“Боқий дарбадар”** романларини ёнма-ён таҳлил қилиш асосида кўрсатилди.

И.Султоннинг **“Боқий дарбадар”** романи ҳажман у қадар салмоқли бўлмаса-да, асар сюжетининг мураккаблиги яққол кўзга ташланади. Воқеалар занжири ўтмиш ва бугун, ҳаёлот ва ҳаққонийлик, мавҳумот ва борлик оралиғида ғайритабиий бир уйғунлик билан боғланиб кетади. Дарбадарликка маҳкум бўлган одам ҳақидаги ривоят, генетикларнинг халқаро анжумани, Қизил денгиз соҳилларидаги изланишлар, Гоби саҳроси, Ҳарбий самолётлар парвози, Бобо Тошбақа мақбараси ривояти, афсонавий Шаҳри Ҳайбар синоати кабилар асар сюжетидаги бир қарашда воқеликнинг бир-биридан узоқ кўринадиган қатламлари бўлиб, улар ёзувчининг илм-фан ютуқлари, техник-технологик имкониятлар, миллий кадрлар масаласи, дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган умумбашарий муаммолар, ижтимоий зиддиятлар, инсон қалбининг маънавий эврилишлари билан боғлиқ ғоявий мақсадига кўра бадиий яхлитлик касб этади. Воқеалар занжирини ягона марказга бирлаштирувчи ҳалқа – боқийликка маҳкум одам муаммосидир. Асар тили анчагина мураккаб бўлган илмий терминлар, мулоҳазаларга бой. Жумладан, роман матнида **“генетика”, “эмбрион”, “геном”, “DNA ўрамлари”, “эвтаназия”, “регенерация”** каби терминлар учрайди.

Асарда кўтарилган муаммо – боқий ва фаол ҳаракатдаги одамни лаборатория шароитида яратишнинг дунё олимлари томонидан муҳокама қилиниши масаласи Ч. Айтматовнинг **“Охирзамон нишонлари”** романида олиб чиқилган **“икс зурриёд”** ҳақидаги қарашларни эслатади. Аммо ёзувчи фақатгина умумбашарий муаммоларни кўтариб чиқиш ва унга қарши чоратадбирлар кўриш, инсониятни огоҳликка чақириш мақсади билангина чекланиб қолмайди. Романда ижтимоий зиддиятларнинг илдизи шахснинг маънавий камолоти, эзгу амаллари, инсоният олдидаги бурч ва масъулиятини теран англаши билан белгиланади. Нафс ва худбинлик турли қиёфа ва кўринишларда, хилма-хил шакл ва моҳиятда яшаб келаётганлиги ва

инсониятнинг таназзулига хизмат қилиши мумкинлигидан огоҳликка чақириш мақсади кўзланади.

Умуман олганда, “Боқий дарбадар” романи мисолида истиқлол даври ўзбек романчилигида интеллектуал роман жанрига хос унсурларнинг намоён бўлиши фаоллашгани кузатилди. Долзарб ижтимоий, умумбашарий муаммолар талқини, мифологик ва илмий тафаккурнинг уйғунлаштирилиши асосидаги бадиий воқелик асарда мураккаб сюжет чизигини юзага келтирган.

ХУЛОСА

1. Истиқлол даври романларида ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан ўзгариш, такомиллашиш, ривожланиш жараёнлари кечмоқда. Шарқ ва Ғарб адабиёти поэтик анъаналарининг миллий руҳ доминантлигида бадиий синтез қилиниши адабий жараёнда янгича тамойилларнинг юзага келишига замин яратди, реализм имкониятларини кенгайтди.

2. Романчиликда Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтези янги замоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, индивидуал-руҳий ҳамда адабий ҳодисаларнинг бевосита янгиланишни тақозо этиши туфайли юзага келди. Замонавий романчиликда ўтмишда пайдо бўлган, асрлар давомида сайқал топган тамойиллар янги давр ижтимоий-тарихий шароитининг етилган эҳтиёжлари нуқтаи назаридан эстетик идрок қилинди.

3. Сўз санъаткорининг ижодий эркинлиги уни бадиий ижоднинг асл табиатига яқинлаштирди. Ҳаётни реалистик тасвирлаш тамойиллари ривожлантирилди. Бадиий ҳақиқатнинг мезонлари янгиланди. Бадиий диди камол топган китобхон эҳтиёжларини назарда тутган ёзувчилар миллий роман поэтик ифода услубида мураккабликка, фалсафийликка, рамзийликка интилдилар.

4. Дунё бадиий тафаккуридаги сифат ўзгаришлари миллий тафаккуримиз ривожига ҳам таъсир кўрсатди. Ижтимоий-фалсафий психологизмнинг чуқурлашиши, инсон омилининг янада юксак даражага кўтарилиши, шахс эрки, руҳияти, ижтимоий муносабатларга оид қарашларга асосий аҳамият берилиши миллий романлар ривожини таъминламоқда.

5. Истиқлол даври ўзбек романчилигида Шарқ ва Ғарб анъаналари синтезининг қуйидаги кўринишлари намоён бўлди:

- *миллий фольклор ва ёзма адабиёт анъаналари синтези*. Бу орқали адабиётда фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари янгича босқичга кўтарилди; давр романчилигида халқчиллик руҳи ошди.

- *жаҳон фольклори ва модерн адабиёти анъаналари синтези*. Бунда ижодкорларнинг жаҳон адабиётидаги янгиланишларни миллий заминда қайта ишлаш, миллий анъаналарга мослаштириш ва халқнинг ментал хусусиятларини ифодалашдаги маҳоратлари намоён бўлди.

- *мумтоз адабий анъаналар ва замонавий реалистик романчилик поэтик қонуниятлари синтези*. Бундай романларнинг бадииятида лиро-романтик руҳ яққол сезилди. Характер тасвири ва бадиий далиллашда инсонларнинг маънавий оламига муносабатнинг азалий адабий тажрибаларда синалган

кўринишлари, мумтоз адабий ҳақиқатлар эътиборга олинди. Уларда кучли шарқона руҳ устувор бўлиб, Шарқ адабий анъаналарига хос бўлган сюжет, мотив ва бадиий ифода воситаларига алоҳида ўрин берилди. Қаҳрамонлар тасвири ҳамда асарнинг тарбиявий моҳиятида Шарқ халқлари адабиёти марказида турувчи комил инсон тарбияси масаласи етакчилик касб этди.

- *ўзбек реалистик романчилиги тажрибалари, адабий издошлик ва индивидуал маҳорат синтези.* Ушбу жараёнда адабий анъаналар синтезида мақбул йўлни танлаш борасида йўл қўйилган айрим камчиликлар, бадиий маҳоратнинг етишмаслиги каби қусурлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди, албатта. Бироқ синовдан ўтган адабий тажрибалар ва ижодкорнинг услубий маҳорати синтези шуни кўрсатадики, ўзбек адабиёти истиқлол даврида роман шаклида ҳам тадрижийлик қонуниятлари асосида изчиллик билан узлуксиз ривожланиш йўлидан оғишмай бормоқда.

- *халқнинг эътиқодий қарашлари, реалистик анъаналар ва модернистик услублар синтези.* Миллий менталитетга хос хусусиятлар, халқнинг ишонч-эътиқоди билан боғлиқ мифопоэтик қарашлари айрим реалистик услубда яратилган асарларда қаҳрамонлар характери, руҳиятини бадиий далиллаш, воқелар оқимини жадаллаштириш, асарнинг ғоявий асосларини мустаҳкамлаш, бадииятга сайқал бериш мақсадида қўлланган бўлса, модернистик услубда яратилган романлар Шарқ ва Ғарб романчилиги ютуқлари синтезининг ўзига хос кўринишини намоён этиб, ноанъанавий шаклий-услубий изланишларга йўл очди.

- *адабий оқимлар ва йўналишларга хос хусусиятларни уйғунлаштириш асосида юзага келган бадиий синтез.* Ушбу шаклдаги синтезда истиқлол даври романчилиги намуналарининг ғоявий ва шаклий хусусиятлари ноанъанавий кўринишда юзага чиқди. Миллий анъаналар, шунингдек, макон ва замон чегараларида бир-бирига яқин бўлмаган адабиётлар ўртасида ҳам адабий таъсир доираси шаклланди ва ҳатто кенгайди. Романлардаги ушбу янгиланишларни ҳам анъаналар қобиғидан тамомила чиқиш, мавжуд тажрибалардан тўла-тўқис чекиниш ҳолати деб баҳолаб бўлмайди. Чунки аслида ҳам бадиий синтез табиий синтездан фарқли ўлароқ инсон тафақури маҳсули бўлиб, у даставвал романнывис онгида шаклланади ва айни ана шу шаклланган тайёр ҳолатида юзага чиқади. Шу боисдан ҳам, романлар мазмунидан келиб чиқадиган ғоявий-эстетик хулоса миллий асослар – Шарқ халқларининг ментал хусусиятлари, диний-эътиқодий қарашлари, маънавий-тарбиявий дидактикаси билан уйғунлашган кўриниш касб этди.

- *илмий-фалсафий ва бадиий қонуниятлар синтези* асосида истиқлол даври ўзбек романларида интеллектуал романларга хос жанрий хусусиятлар намоён бўлди. Ижодкорларнинг замон ижтимоий янгиланишларига муносабати, тобора жадал бораётган илмий-техник тараққиёт ва унинг инсон ҳаёти, фаолияти, маънавий қадриятларга таъсири, оламни фалсафий англаш ҳамда бадиий талқин этиш масаласининг тадқиқига эҳтиёжни юзага келтирди. Натижада эса, айрим романлар матнида илмий, публицистик характердаги қарашлар, ижтимоий муаммоларни бадиий йўсинда ифода этишга уринишлар намоён бўлди.

- *адабий таъсир ва ижодий индивидуаллик синтези*. Айрим ижодкорлар учун қизиқиш, тажриба ўчоқлари бўлиб хизмат қилган намуналар таъсирида муаллифларнинг индивидуал маҳорат қирралари кенгайди, бу, айти пайтда, адабий жараёндаги етакчи тараққиёт тамойилларнинг янгиланишига ҳам таъсир кўрсатди. “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романига “Жараён”; “Исён ва итоат” романига “Алкимёгар”нинг таъсири каби шунга ўхшаш бошқа адабий таъсир кўринишларини истиқлол даври романчилиги намуналари сирасида яна кўплаб учратиш мумкин.

7. Адабий анъаналар синтези миллий романчиликдаги муҳим адабий-эстетик ҳодиса бўлиб, унинг натижасида романларнинг ғоявий-бадий тадрижига эришилди: романлар жанрий такомиллашди; ғоявий кенгайди; бадиият жиҳатидан серқирра кўриниш касб этди.

8. Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарининг бадий синтези янги давр ўзбек адабиётида ижодкорлар лабораториясида ишланган ҳамда адабий жараён ривожига хизмат қилган аҳамиятга молик ҳодиса сифатида давр бадий тафаккури такомилли ҳамда етакчи ва ҳаётбахш тамойилларининг шаклланиши, юзага чиқишига кучли таъсир кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ДАВРОНОВА ШОХСАНАМ ГАЙБУЛЛОЕВНА

**ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ СИНТЕЗ ВОСТОЧНЫХ И ЗАПАДНЫХ
ТРАДИЦИЙ В УЗБЕКСКИХ РОМАНАХ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ**

10.00.02 - Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Самарканд – 2019

Тема диссертации на соискание степени доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.DSc/Fil145.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех (узбекский, русский и английский) языках размещен на веб-странице Самаркандского государственного университета www.samdu.uz и информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Ахмедова Шоира Нематовна
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Якубов Исламжан Ахмеджанович
доктор филологических наук

Пардаева Зулфия Жураевна
доктор филологических наук, профессор

Мирзаева Зулхумор Иномовна
доктор филологических наук

Ведущая организация:

**АН РУз Институт узбекского языка,
литературы и фольклора**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.02.03 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-11-40, 139-18-92; факс:(0366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz. Главный учебный корпус Самаркандского государственного университета).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за номером ____). Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс:(0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.

(Протокол реестра рассылки _____ от «___» _____ 2019 года).

М.К.Мухиддинов,
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.филол.н., профессор

А.Б.Пардаев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.филол.н.

А.Э.Маматов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Появление нового художественного мышления в мировом литературоведении и тенденций художественной действительности вызывают необходимость изучения передовых методов, основанных на принципах литературно-поэтических особенностей произведений высокого уровня, оставивших яркий след в мире словесного искусства. Художественная литература, особенно романизм в современном процессе глобализации играет важную роль в укреплении культуры человечества, повышении его интеллектуального потенциала, воспитании молодого поколения как полностью развитой личности. В результате последовательного совершенствования новых методов и подходов, литературных и эстетических принципов, научные концепции, связанные с эволюцией художественного мышления, является одним из важных факторов обеспечения развития сфер литературоведения, создает необходимость основываться на научных и практических выводах исследований проблем романизма.

В мировом литературоведении, особенностью исследования феномена фольклора в развитии романизма, последовательности историко-культурных традиций, формы и методологических особенностей образа феномена синтеза становится важным эстетическим принципом. Одной из наиболее актуальных проблем является исследование проблем, связанных с особенностями совершенствования и синтезом романов периода в теоретическом аспекте. Узбекские романы, сочетающие литературные и художественные традиции и передовые исследования мирового искусства слова, пережили период обновления в поэтической интерпретации национального духа. Важно сделать научные и теоретические выводы, основанные на изучении влияния восточной и западной литературы, источников, которые способствовали появлению стилистических уточнений в узбекских романах периода независимости.

Значительные изменения в художественных проектах с момента обретения независимости были особенно очевидны в романах. Литературное и формо-смысловое совершенствование романов периода дало положительный результат в творческом использовании устного народного творчества, восточной классической литературы, поэтического опыта узбекской школы романизма и мирового романизма. Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев: “Мы не имеем права забывать, что внимание к литературе, искусству, культуре - это в первую очередь забота о наших людях, и, как сказал великий поэт Чолпон, если жива литература, значит жива и нация”¹ подчёркивают что, за годы независимости узбекские романы создали научную основу влияния восточных и западных литературных

¹Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халкимиз маънавий оламини юксалтиришининг мустақкам пойдевориридир. // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

традиций на закономерности развития, ведущие черты, изменения жанровой структуры как одну из важных задач литературоведения.

Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», Указ Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года № УП -4797 «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», Постановление Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2017 года № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации исследований, управления и финансирования», от 13 сентября 2017 г. «О программе комплексных мероприятий по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и популяризации книжной культуры и культуры чтения», настоящее диссертационное исследование способствует выполнению задач, определенных в нормативных актах и других правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено согласно приоритетному направлению развития науки и технологий Республики Узбекистан: «Социальное, правовое, экономическое, духовно-нравственное и культурное развитие информатизированного общества и демократического государства, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации ¹. Жанровые особенности романа, его теория, история, а также исследования в области традиций и инноваций в литературе ведущие научные учреждения мира, в том числе Universität Humboldt, Universität Bonn (Германия), Cambridge University (Великобритания), Bilkent Üniversitesi (Турция), Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Nizami adına Ədəbiyyat İnstitutu, Bakı Dövlət Universiteti, Bakı Slavyan Universiteti (Азербайджан), Київський національний університет (Украина), Москва давлат университети (Россия), University of California, University of Indiana, University of Michigan, University of Texas (США), Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Узбекистана (Узбекистан) проведено исследование для изучения характера этих проблем.

По итогам исследования в мире литературоведческих исследований восточных и западных литературных традиций в узбекских романах независимости, в том числе получены следующие научные результаты: изучаются теоретические и эстетические проблемы жанра романа, этапов

¹www.humboldt.edu; www.uni-bonn.de; www.cambridge.org; www.thesis.bilkent.edu.tr, www.literature.az; www.bsu.edu.az; <https://bsu-uni.edu.az/>; www.univ.kiev.ua; www.msu.ru; www.dissercat.com; <http://dergiler.ankara.edu.tr>; www.tekedergisi.com; <https://www.universityofcalifornia.edu>; www.indiana.edu; www.michigan.uni.edu; www.texas.edu; www.navoiy-uni.uz

развития, художественного пространства и времени (Universität Humboldt, Universität Bonn, University of California), в литературе выявляется стремление к литературным традициям Востока и Запада, классическим литературным произведениям, художественным и эстетическим открытиям литературных и исторических традиций (Bilkent Üniversitesi, Турция); изучены природа жанра романа, его сюжет, композиция, социальная реальность (Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Nizami adına Ədəbiyyat İnstitutu, Азербайджан); типологические принципы романа, формирующее и значимое обновление романа, модернистское исследование романа научно обосновано (Bakı Dövlət Universiteti, Азербайджан); разработано развитие мирового класса романтики, поэтики (Bakı Slavyan Universiteti, Азербайджан); определено продолжение мировых традиций романизма (Київський національний університет, Украина); доказана творческая индивидуальность автора и научные выводы о его литературных и художественных традициях вложенных в сокровищнице искусства слова, научно обоснованы творческие традиции, эпические традиции, литературные традиции в романе, проблемы традиции и новизны, литературно-художественный синтез (Московский государственный университет, Москва); узбекские романисты изучались с точки зрения их социо-идеологической и художественной эстетики (University of Indiana, University of Michigan, University of Texas); жанровые особенности романа, поэтика научно обоснована, в романе разработано выражение героя и национального колорита (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Узбекистана, Узбекистан).

В мировом литературоведении характер жанра, традиции и новаторство романа, синтез восточных и западных традиций, исследования проводятся в таких приоритетных областях, в том числе следующих: теоретико-эстетические особенности жанра романа, совершенствование существующих подходов к литературоведению на этапах исторического развития, освещение аспектов, присущих поэтике романа, исследование в рамках развития нового жанра, литературных традиций и творческих инноваций, оценка формирующих и методологических изменений, наблюдаемых в природе современных романов.

Степень изученности проблемы. Многочисленные исследования были сделаны на исторической и художественной эволюции романа. Обсуждения, близкие к сути этой темы, отражены во взглядах зарубежных ученых, таких как Гегель, М.М.Бахтин, М.Б.Храпченко, В.Жирмунский, В.Г.Белинский, Л.И.Тимофеев, Б.В.Томашевский, Е.М.Мелетинский, Г.Н.Поспелов. Также в рамках темы исследования характерны работы таких литературоведов, как И.Султон, Х.Ёкубов, М.Кушхонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, С.Мирвалиев, Н.Каримов, Б.Назаров, С.Мирзаев, У.Норматов, Н.Худойбергенов, Х.Умуров, Й.Солихонов, Д.Курунов.

Многочисленные диссертационные исследования были посвящены изучению развития узбекского романизма, художественных аспектов мастерства романистов. В том числе, докторские исследования таких ученых, как А.Рахимов, Д.Тураев, З.Пардаева, Ш.Дониёрова, И.Ёкубов, Г.Муродов, А.Носиров, С.Тулаганова¹, кандидатские исследования А.Холмуродова, И.Самандарова, У.Мусаевой, А.Носирова, А.Кахрамонова, Ш.Исаевой, Х.Хамрокуловой, Ш.Туйчиевой, Г.Юнусовой, М.Пирназаровой, Г.Авезовой, Ш.Ботировой, Х.Тулибаева².

Отношение к художественному синтезу и вопросам литературной традиции наблюдается в трудах зарубежных ученых, таких как Б.И.Ярхо, О.У.Майоровой, М.А.Черницева, О.Г.Штыгашевой, Л.А.Андреева, З.Фейзуллаевой³; узбекских литературоведов, таких как Б.Саримсоков, Ш.Дониёрова, С.Қуроноу, Г.Имомова⁴.

¹ Рахимов А. Ўзбек романи поэтикаси: сюжет ва конфликт: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. - Тошкент, 1993. –52 б.; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80 й): Филол. фан. д-ри... дисс. –Тошкент, 1994.– 313 б.; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романининг тараккиёт тамойиллари: Филол. фан. д-ри... дисс. –Тошкент, 2003.– 295 б.; Дониёрова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий рух ва қахрамон муаммоси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2012. – 257 б.; Якубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси: Филол. фан. д-ри (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 71 б.; Муродов Ғ. Тарихий романининг муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги муаммолари: Филол. фан. д-ри (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 80 б.; Носиров А. Одил Ёкубов романлари поэтикаси: – Тошкент, Филол. фан. д-ри (DSc) дисс. автореф. – Самарканд, 2018. – 70 б.; Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабий қахрамон муаммоси: Филол. фан. д-ри (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 70 б.

